2011 ЙИЛ 12 МАЙ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 92 (11.903)

Баҳоси эркин нархда

# БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ





**«Ўзэкспомарказ» миллий кўргазма мажмуасида Ўзбекистон Республикаси тармоқ саноат ярмаркаси очилди.**

Қарор ва ижро

## ЎЗБЕКИСТОН САНОАТЧИЛАРИ ФОРУМИ

Мамлакатимизда корхоналарнинг тармоқ ичида, тармоқлараро ва халқаро кооперация алоқаларини ривожлантириш, хорижий сармоядорларни жалб қилиш орқали уларнинг узоқ муддатли хўжалик алоқаларини кенгайтиришига кўмаклашиш саноат ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 3 мартда қабул қилинган «2011 йилда халқаро саноат ярмаркаси ва кооперацион биржани ташкиллаштириш ва ўтказиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ярмарка, ушбу қарорга мувофиқ, жорий йил октябрь ойида бўлиб ўтадиган анъанавий Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасининг биринчи босқичи доирасида ўтказилмоқда.

*(Давоми 2-бетда)*

Ўзбекистон — хорижликлар нигоҳида

## НУРЛИ ИСТИҚБОЛГА ЮЗ ТУТГАН ДИЁР

**Ўзбекистон мафтункор табиати, бой маънавий мероси, тарихи, илдизи асрларга туташ маданияти ва санъати, бағрикенг, меҳмоннавоз ва саховатпеша одамлари билан ҳамиша хорижликлар эътиборини жалб этиб келган. Барча соҳалар сингари халқаро сайёҳликни жадал равнақ топтириш борасидаги эзгу ишлар, жамиятимиздаги барқарор ва осойишта муҳит, тинч ва фаровон ҳаёт Ватанимизга ташриф буюраётган хорижлик меҳмонлар оқимининг тобора кўпайишида муҳим омил бўлмоқда. ЎзА мухбири айрим чет эллик меҳмонлар билан суҳбатлашди.**

**Жон ПИТТС (АҚШ):**

– Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Қадим Бухоро шаҳри менда унутилмас таассурот қолдирди. Энди сафаримни Самарқанд, Хива, Тошкент шаҳарларида давом эттирмоқчиман. Юртингиздаги тинч ва осойишта ҳаёт, одамларнинг бир-бирига ўзаро ҳурмати кишига жуда кўтаринкилик бахш этади. Бу ерда маданият, санъат, илм-маърифатнинг тарихий илдизлари ғоят мустаҳкам эканига гувоҳ бўлдим. Эришаётган ютуқларингизда Президент Ислом Каримов томонидан узоқни кўзлаб юритилаётган оқилона сиёсат, халқингизнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги, аҳил ва тотувлиги, меҳнатсеварлиги муҳим омил бўлмоқда, деб ўйлайман. Кўплаб мамлакатларда бўлганман, лекин Ўзбекистондагидек кўп миллат ва дин вакилларининг тотув, аҳил, ҳамжиҳат яшаётганини кам кўрганман. Бу диёрдаги бағрикенглик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳити, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар бошқа мамлакатлар учун ибрат бўлишга арзийди.

**Ҳельмут ФРАНК (Германия):**

– Табаррук ўзбек заминига кўп келганман. Шу боис Ўзбекистон менга жуда қадрдон бўлиб қолган. Юртингизга ҳар галги сафарим чоғида санъат, маданият, илм-маърифатга оид йирик анжуманлар, ижодий кўрик-танловлар, халқаро фестиваллар, концертлар ўтказилаётганининг гувоҳи бўламан. Имкон борича шу маданий тадбирлар билан атрофлича танишишга ҳаракат қиламан. Ҳар бир халқнинг тарихи, маънавий-маърифий илдизлари, мероси, анъана ва қадриятлари, маданияти ва санъати унинг асл миллий қиёфаси, мақсад ва муддаоси, орзу-интилишларини намойиш этувчи кўзгудир. Шу сабабдан юртингизда ўтказиладиган ҳар бир маданий-маърифий тадбир замирида ёшларни миллий ва умумбашарий эзгу ғоялар асосида тарбиялаш, санъатни равнақ топтиришдек улуғвор мақсадлар мужассам эканига гувоҳ бўлмоқдаман. Бу ердаги хушфеъл, кўнгли очиқ, меҳмоннавоз одамларни, қадимий обидаларни кўрганимда, ораста, обод ва файзли шаҳару қишлоқларни кезганимда, халқингизга, Ўзбекистонга бўлган меҳрим янада ортаверади.

*(Давоми 2-бетда)*

**Мамлакатимизда ахборот-кутубхона муассасаларини ривожлантириш, уларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни яхшилаш, жумладан, муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.**

## ИДОРАЛАРАРО КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 февралда қабул қилинган «2011-2015 йиллар учун ахборот-коммуникацион технологиялар базасида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизмат кўрсатишни кейинчалик сифатли ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан, кейинги йилларда соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш, ахборот-кутубхона фондларининг электрон нусхасини шакллантириш, республикада интеграциялашган ахборот-кутубхона тармоғини яратиш, ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган дастур қабул қилинди.

2011 йил 13 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Қонуннинг кучга кириши ахборот-кутубхона муассасаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, молиялаштириш, кутубхоналар китоб фондини тўлдириш, сақлаш ва улардан фойдаланиш шарт-шароитларини кафолатлайди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 11 мингдан ортиқ ахборот-кутубхона муассасалари фаолият юритмоқда. Улар томонидан 6 миллиондан зиёд аҳолига хизмат кўрсатиб келинаётир. Ахборот-кутубхона муассасаларидаги мавжуд 83,6 миллион адабиётларнинг 3,5 миллиондан ортиғи электрон шаклдадир.

Мамлакатимизда ахборот-кутубхоналар фаолиятини замонавий талаблар даражасида такомиллаштириш масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жорий йилнинг 9 май куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг пойтахтимиз марказида бунёд этилаётган янги биносида амалга оширилаётган ишлар билан танишиш жараёнида иншоотни бугун ва келажак авлодларга намунали хизмат қиладиган даражада мустаҳкам ва муҳташам қуриш бўйича тегишли тавсия ҳамда топшириқлар берди.

Ушбу тавсия ва топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида 10 май куни Вазирлар Маҳкамасида Республикада ахборот-кутубхона фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгашнинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Йиғилишда Миллий кутубхонанинг янги биносида амалга оширилаётган ишлар билан танишиш вақтида Президентимиз томонидан берилган топшириқлар ижросини ташкил қилиш бўйича тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, Кенгаш мажлисида «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ижросини таъминлашга оид чора-тадбирларда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш, Электрон кутубхоналарни шакллантириш ва ахборот-кутубхоналарнинг интеграциялашган тармоғини яратиш бўйича стандартларни, босма нашрларни электрон шаклга ўтказиш жараёнида муаллифлик ҳуқуқини тартибга солиш бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилинди.

Тошкент ахборот технологиялари университети ва Тошкент Давлат маданият институтида ахборот-кутубхона соҳаси ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича ўқув материалларини яратиш, ахборот-ресурс марказлари фаолиятини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар, интеграциялашган ахборот-кутубхона тармоғи фаолиятини таъминловчи телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ҳамда ахборот-кутубхона ташкилотларини интеграциялашган тармоққа босқичма-босқич улаш масалалари тўғрисида тегишли вазирлик ва идораларнинг ҳисоботлари тингланди.

Мажлисда Идоралараро кенгашнинг тегишли қарори қабул қилинди.

**(ЎзА)**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида ёзги мавсумда болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш ишларини ташкил этишга бағишланган анъанавий семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Саломатлик ва тиббий статистика институти шаҳар филиали ташаббуси билан ташкил этилган танлов «Бахтли оила — ўқувчи-ёшлар нигоҳида» деб номланди.

✓ **КЕЧА** Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб Тошкент шаҳар ва Учтепа тумани ҳокимликлари ташаббуси билан «Ёшлик илҳомлари» шиори остида ёш ижодкорлар анжумани ўтказилди.

## XXI аср садоси

*БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Президентимизнинг 2011 йил 14 январда қабул қилинган «Мамлакатимизда демократикислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойишига асосан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда жорий йил апрель ойида бўлиб ўтган «Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция ҳамда «Ахборот ва сўз эркинлигини янада ислоҳ қилиш» мавзуидаги семинар натижалари кўриб чиқилди ҳамда уларда билдирилган таклиф ва мулоҳазалар таҳлил этилди.**

● **Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасида «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг «Ўзавтойўл» компанияси тизимида, хусусан, Сирдарё, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

● **Фарғона вилоятида кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларга қулай шарт-шароит яратиш, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳиятини тушунтириш мақсадида амалий семинар ўтказилди.**

● **Қизилтепа туманининг «Бўстон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида «Асл пойабзал» хусусий корхонаси иш бошлади. Эркаклар учун пойабзаллар ишлаб чиқаришга мўлжалланган мазкур лойиҳани амалга ошириш учун тадбиркор Меҳриддин Яхшиев томонидан 40 миллион сўм маблағ сарфланди. Натижада 10 та иш ўринлари яратилиб, кунига 40 жуфт маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилмоқда.**

● **Жалақудуқ туманидаги Қўштепа қишлоғида тадбиркор Шуҳратбек Матисаевнинг саъй-ҳаракати билан трикотаж кийимлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Tillo-invest tekstil» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Хитой технологияси асосида жиҳозланган корхонада ҳозирда 55 нафар аёл меҳнат қилмоқда. Улар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар ўз харидорини топмоқда.**

### ЖАҲОНДА

● **Португалия Европа Иттифоқи, Европа Марказий банки ҳамда Халқаро валюта жамғармасининг вакиллари билан давлат қарздорлигини қоплаш учун уч йиллик кредитни тақдим этиш тўғрисида келишиб олди. Ойнаи жаҳон орқали ўз чиқишида Португалиянинг бош вазири Жозе Сократеш маълум қилишича, ҳукумат 18 миллиард евро микдоридаги кредит тўғрисида шартлашган. Ҳозир Португалиянинг давлат қарзи 160,4 миллиард евро ёки ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 93 фоизини ташкил этади.**

● **Италиядаги Пиза минораси қурилиш ҳавозалардан қутилди. 20 йил давом этган тиклаш ва тозалаш ишлари ниҳоят тугади ва Санта-Мария Ассунта ибодатхонасининг қўнғироқхонаси пизаликлар ва сайёҳлар кўз ўнгида бор кўркамлигини намойиш қилмоқда. Осори-атиқани нафақат чанг-чунг ва қурумдан, балки мармарга тирналган ёзувлардан ҳам тозалашди. Бу ишга беш миллион евро сарфланди. Бундан ташқари, навбатдаги мустаҳкамлаш ишлари ҳам ўтказилди.**

● **Испаниядаги икки марта ер қимирлаши оқибатида 10 киши қурбон бўлди.**

● **Франция ҳукумати президент сайловлари кунларини эълон қилди.**

● **Дания ҳукумати Германия ва Швеция билан ҳамкорликда божхона назоратини кучайтирмоқда.**

● **Венесуэлада автобус билан ёқилғи ташувчи машина тўқнашуви оқибатида 14 киши ҳаётдан кўз юмди.**

● **Новосибирск шаҳридаги турар жой биноларидан бирида содир бўлган газ портлаши натижасида 2 киши ҳалок бўлди.**

# НУРЛИ ИСТИҚБОЛГА ЮЗ ТУТГАН ДИЁР

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

**Клаудио МАРКОЦЦИ (Италия):**

– Юртингиз шаҳарлари, бетакрор обидаларнинг кўрки ва маҳобатини кўрган киши кўҳна тарихингизнинг бойлигию буюклигини ҳис этади. Бу муқаддас тупроқда вояга етган улуғ алломалар жаҳон илм-маърифати ривожига бемисл ҳисса қўшганини англайди. Ўзбекистонга сафарим чоғида "Асрлар садоси" фестивалида меҳмон сифатида иштирок этиб, ўзбек халқининг анъана ва урф-одатлари, қадриятлари, тарихи, санъати ҳақида кўплаб маълумотга эга бўлдим. Бахшилар, созандаю раққосалар, ошпазларнинг маҳорати, болакайларнинг турли миллий ўйинлари менга жуда ёқди. Фоторассом бўлганим учун кўрган-кечирганларимни имкон қадар кўпроқ суратга олишга ҳаракат қилдим. Юртимга қайтгач, Ўзбекистон ҳақида туркум фоторепортаж тайёрлаш ниятим бор. Бухоро аҳли мисолида ўзбекистонликларнинг юксак интеллектуал салоҳиятли, маданиятли, илму зиёга ошно, санъатга меҳри баланд, киши кўнглига осонлик билан йўл топа оладиган зийрак одамлар эканига ишонч ҳосил қилдим. Миллий санъатингизнинг улкан сеҳри мени ўзига маҳлиё этди.

**Анжелика НЕСПОУЛОС (Франция):**

– Ўзбекистонга келсам, сафаримни унинг гавжум ва файзли бозорларидан, уста-ҳунармандлар қунт ва ҳафсала билан турли буюмларни ишлаётган расталардан бошлайман. Бу диёрда миллий анъана ва қадриятларга содиқлик, тарихий меросни ўрганишга бўлган юксак эътибор киши диққатини ўзига жалб этмай қолмайди. Қўлда тўқилган матолар, миллий услубдаги либослар менга жуда ёқади. Уларнинг бичими, тикилиши, рангларининг танланиш услуби алоҳида таҳсинга сазовор. Уларда шарқона ҳаё, иффат мужассам. Халқнинг ўтмиши, маънавияти, маданияти ва миллий фазилатларини унинг либосларидан ҳам билиш мумкин. Бундай кийимларни уста ижодкорлар қалб қўрини бериб тайёрлагани янада эътиборни тортади.

**Коичи ХОНДА (Япония):**

– Мен Бухоро шаҳрида ўтган «Асрлар садоси – 2011» фестивалида хаттотлик санъатига бағишланган асарларимни ўз ичига олган «Бухорои шарифга бағишлов» мавзуидаги шахсий кўргазмам билан қатнашдим. Жаҳон цивилизацияси, илм-фани ривожига ғоят катта ҳисса қўшган бу муқаддас заминда яшаб, ижод қилган алломаларнинг номи етти иқлимга машҳур. Юртингизда уларнинг илмий-маънавий меросини ўрганиш, миллий қадриятларни эъзозлаш, оммалаштиришга оид ибратли ишлардан хабарим бор. Буларнинг барчаси халқ маънавиятини юксалтириш, ёшларни эзгу ишлар сари илҳомлантириш борасидаги олижаноб интилишлардир.

**Лиза СОТИЛИС (Греция):**

– Ўзбекистонга кўп йиллар илгари келгандим. Унинг бугунги қиёфасини аввалгиси билан сира таққослаб бўлмайди. Юртингиз жамоли, одамларнинг ҳаёти, тафаккури жуда ўзгариб кетибди. Бу ерда санъат, маънавият, маданият ривожига кўрсатилаётган улкан эътибор, аввало, ёшлар тарбияси, келажаги йўлида хизмат қилаётгани таҳсинга сазовор. Ўзбекистон – нурли истиқболга юз тутган мамлакат. Унинг фарзандлари ўз Ватани – бу бетакрор юрт билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

**ЎзА мухбири**
**Назокат УСМОНОВА**
**ёзиб олди**

**Президентимизнинг 2011 йил 6 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ улуғ айёмга бағишланган байрам тадбирларини юқори савияда ўтказиш мақсадида умумий ўрта таълим, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабалари учун мўлжалланган алоҳида тадбирлар режаси ҳам кўзда тутилган эди.**

**Ўқув муассасаларида**

## ЮРТИМ, СЕНГА ЖОНИМ ФИДО!

Шу муносабат билан Тошкент Архитектура-қурилиш институти қошидаги академик лицейда «Юртим, сенга жоним фидо!» мавзуида ижодий учрашув кечаси бўлиб ўтди. Кечага ўзларининг ҳалол ва фидокорона меҳнатлари билан элда эъзоз топиб келаётган фаол онахонлар ташриф буюришди.

Жумладан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият арбоби, Республика «Нуроний» жамғармаси қошидаги «Фаол аёллар» гуруҳи раиси Хосиятхон Ёқубжонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган архитектор, профессор Тўлқиной Қодирова, шарқшунослик фанлари номзоди, олима Муборак Юнусхўжаева, математика фанлари номзоди, олима Мукаррама Муҳитдинова, Бўстонхон Шерматова, шунингдек Ўзбекистон халқ артисти Рихсихон Иброҳимовалар ўз ташрифлари билан лицей жамоасини хушнуд этишди.

— Истиқлол, ҳуррият, озодлик сингари юксак тушунчаларнинг бутун моҳиятини ўзида жамлаган Мустақиллик йигирма йилдан бери юртдошларимизнинг тилида ва дилида муқаддас калом янглиғ янграб, турмушимизга тароват, туйғуларимизга фароғат, орзуларимизга қанот бахш этмоқда. Республикамизда қисқа фурсат ичида талай ишлар амалга оширилди. Юртимизга дунё нигоҳи қаратилган. Мамлакатимизга ташриф буюрган хорижлик сайёҳлар ҳам бу ўзгаришларга ўзгача ҳавас билан боқишмоқда, — дейди Хосиятхон Ёқубжонова. — Буларнинг бари юртбошимизнинг оқилона сиёсатлари натижасидир. Истиқлол йилларида кекса ва боқувчисини йўқотган, жисмоний имконияти чекланганларга эътибор янада кучайди. Ҳозирда Республикамизда 3 миллион пенсионер, 10 мингдан ортиқ уруш фахрийси, 130 минг уруш ортида меҳнат қилган фахрийлар, 30 мингга яқин жисмоний имконияти чекланганлар бор. 2000 га яқин 100 ёшни қаршилаган нуроний бобо ва момоларимиз истиқомат қилишади. Шу билан бирга оналар ва болалар саломатлигига, баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёш авлод баркамоллиги учун янгидан-янги спорт-саломатлик, таълим-тарбия масканлари қад ростламоқда. Ёшларнинг бақувват, соғлом бўлиб ўсишлари учун ҳар йили турли мусобақалар ўтказиб келинмоқда.

— Мустақиллик халқимизнинг асрий орзуларини рўёбга чиқарди, — дейди Муборак Юнусхўжаева. — Юртимиз байроғи Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ҳилпираб турибди. Бугун 30 дан ортиқ мамлакатда элчиларимиз бор. Ўзбекистонни дунё тан олмоқда. Бутун дунёга номи кетган буюк аждодларимиз борлиги билан фахрланамиз. Вазифамиз улуғ аждодларга муносиб баркамол авлодни тарбиялашдир.

Маърифатпарвар бобомиз Абдурауф Фитрат айтганидек, «Болаларни шундай тарбия этиш лозимки, бахтга бўлган интилишлари ҳеч қачон хазон бўлмасин, сўнмасин, балки кўкарсин».

Дарҳақиқат, озод халқнинг бунёдкор қўли билан орасталанган боғу хиёбонлар, чаманзор кўчалар, оромгоҳ гўшалар Мустақиллигимизнинг кўзни қувонтирадиган, дилни яйратадиган фусункор, гўзал сурати, беназир кўрку жамолидир.

**Насибахон МАМАТЖОНОВА**

# ЎЗБЕКИСТОН САНОАТЧИЛАРИ ФОРУМИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ярмаркада транспорт, капитал қурилиш, қурилиш саноати, коммунал хўжалик ва бошқа тармоқлардаги юздан ортиқ етакчи корхоналар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларининг маҳсулотлари ва хизматлари намойиш этилмоқда. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси, «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси корхоналари шулар жумласидандир.

Ярмаркага ташриф буюрувчилар эътиборига 1500 дан ортиқ маҳсулотлар ҳавола этилган бўлиб, шулардан 72 таси 2011 йилда ишлаб чиқарила бошланган янги маҳсулотлар ҳисобланади. Улар сирасига паст ва юқори босимдаги иссиқ сув таъминоти учун гелиотизимлар, кўп қатламли полимер плёнкалар, конвейер роликлари, кальций карбонати, графит электр чўткалар, янги турдаги тез қурийдиган синтетик бўёқлар, пўлат қувурлар, қурилишда ишлатиладиган қоришмалар киради.

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси корхоналари бўлғуси шерикларга кенг турдаги маҳсулотларни таклиф этмоқда. Жумладан, «Afaten Orion» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси экологик тоза фрикцион материалларни, «Amorant» масъулияти чекланган жамияти кенг ҳажмли ва автомобиль ойналарини, «Trans-snab» масъулияти чекланган жамияти авто ва электр транспорти учун бутловчи қисмлар ва кўча чироқларини намойиш этмоқда.

– Корхонамиз Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида мунтазам иштирок этиб келмоқда, – дейди «Trans-snab» масъулияти чекланган жамияти директорининг ўринбосари Абдумалик Абдуғаффоров. – Ярмаркада корхонамизда ишлаб чиқариладиган қарийб 400 турдаги маҳсулотларни намойиш этмоқдамиз. Шулардан 20 дан ортиғи жорий йилда ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилган янги маҳсулотлардир. Йил охиригача маҳсулот турларини янада кенгайтиришни мўлжалламоқдамиз ва мазкур тадбир режаларимизни амалга оширишга кўмаклашади, деб ўйлаймиз.

Тармоқ саноат ярмаркаси доирасида иштирокчилар маҳсулотлар билан танишиш, музокаралар олиб бориш, жорий йилда маҳсулот етказиб бериш бўйича ҳамда янги турдаги саноат маҳсулотларини ўзлаштиришга доир шартномаларни тузиш имконига эга бўладилар. Шунингдек, ярмаркада қатнашаётган қатор корхоналарнинг тақдимотлари ҳам бўлиб ўтади.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири**

**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг**

# «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ — 2010»

## танлови давом этмоқда

Ҳурматли ҳамкасблар!

2010 йил эл-юртимиз, Ватанимиз учун ҳар жиҳатдан мазмунли, баракали ва омадли бўлди. Юртимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мамлакатни янгилаш, иқтисодиётни модернизация қилиш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида катта ютуқларга эришилди. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ёшларни жисмонан ва маънан соғлом, давр талабига мос интеллектуал билим ва касбга эга замонавий инсонлар бўлиб вояга етишларини таъминлашга қаратилган салмоқли ва хайрли ишлар қилинди.

Халқимизнинг эришаётган бу ютуқлари, олижаноб мақсад ва саъй-ҳаракатларини кенг ёритишда оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган сиз, журналистларнинг хизматларингиз катта.

Азиз ҳамкасблар, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни «Йилнинг энг фаол журналисти — 2010» танловида қатнашишга таклиф этади. Танловга 2010 йилнинг 1 июнидан 2011 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловга таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари орқали жорий йилнинг 5 июнигача тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан биргаликда муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши керак.

«Йилнинг энг фаол журналисти — 2010» танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

***Материаллар «Йилнинг энг фаол журналисти — 2010» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:***

***100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар.***

***Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87.***
***e-mail: ijod@sarkor.uz***

# ЯНГИ КОДЕКС БОЖХОНАЧИЛАР МУҲОКАМАСИДА

**Олий ҳарбий божхона институтида янги таҳрирдаги Божхона кодекси лойиҳасининг муҳокамасига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

Тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этиб, лойиҳа юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Президентимизнинг 2011 йил 14 январдаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясининг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойишига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг янги таҳрири ишлаб чиқилаяпти.

Мазкур кодекс республикамиз ҳудудида самарали божхона назоратини таъминлаш ва товар айланмасини тартибга солиш, ташқи савдони ривожлантириш ҳамда ташқи савдо операцияларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Кодекс аввало барча божхона таомиллари бажарилишининг очиқлигини ва шаффофлигини таъминлаш, ички бозорни ноқонуний маҳсулотларнинг кириб келишидан ҳимоя қилишда бевосита таъсир кучига эга бўлган меъёрий ҳужжат саналади.

Йиғилишда Божхона кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш учун идоралараро ишчи гуруҳи томонидан 520 моддадан иборат лойиҳа кўриб чиқилиб, 84 та ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ўтган давр мобайнида ДБҚ ва манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона, Андижон, Наманган, Навоий, Самарқанд, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг тадбиркорлик субъектлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида Божхона кодекси янги таҳрирдаги лойиҳасининг муҳокамаси ташкил этилди.

Эътироф этиш жоизки, лойиҳанинг энг муҳим мақсадларидан бири — ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш тартибини эркинлаштиришдан иборат. Шу боис божхона тизимини такомиллаштириш, унинг ташқи савдони ривожлантиришга кўмаги божхона органлари томонидан ижро этилиши мажбурий бўлган аниқ юридик механизмлар билан таъминланиши керак.

Мазкур лойиҳа 13 бўлим, 56 боб, 520 та моддадан иборат. Ўз моҳиятига кўра, ушбу қонун лойиҳаси амалдаги Божхона кодексидан тубдан фарқ қилади. Унда бошқаришнинг иқтисодий усуллари устун туради. Шу кунгача лойиҳага «Товарларни халқаро почта жўнатмаларида олиб ўтиш», «Валюта назорати», «Интеллектуал мулк объектларини божхона органлари томонидан ҳимоя қилиш», «Товарларни қувур транспортида ва электр узатиш линиялари бўйлаб олиб ўтиш», «Божхона экспертизаси» ва «Божхона иши соҳасида хабардор қилиш ва маслаҳат бериш» сингари бир қатор янги боблар ҳам киритилган.

**Азима ҚИЁСОВА,**
**"Туркистон-пресс"**

# МАДАНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ФЕСТИВАЛИ

**Дунёда халқлар ва миллатлар кўп. Ҳар бирининг ўзига хос маданияти, анъаналари борки, бу инсон дунёқараши, тафаккурида ўз аксини топиши табиийдир. Халқлар маданияти мулоқоти эса дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга, башариятда тинчлик ҳукм суришига хизмат қилади.**

Мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирокида Ташқи ишлар вазирлиги тасарруфидаги маросимлар уйида ўтказилган анъанавий маданий қадриятлар ва миллий таомлар фестивалининг ҳам халқлараро бирдамлик ришталари янада ривож топишида ўзига хос аҳамияти бор.

Тадбирда элчихоналар вакиллари жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга мустақил Ўзбекистон тараққиёт йўлидан дадил одимлаб бораётгани, ҳар бир жабҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ҳаётда кенг ифода топаётгани ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирар экан, бу борадаги миллийлик ва замонавийликнинг уйғунлиги хусусида ҳам тўхталиб ўтишди. Жумладан, мамлакатимизда фаолият юритаётган Италия Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси Джованни Риччулли Ўзбекистон кундан-кунга чирой очиб бораётганига алоҳида урғу бериб ўтди, шунингдек турли соҳада ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш омиллари хусусида таклифлар киритди.

Айтиб ўтиш жоизки, мамлакатимизда инсон манфаати, жамият равнақи учун хизмат қилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳалардаги ўзгаришлар, шунинг баробарида давлатлар ва халқлар ўртасидаги дўстона алоқаларнинг янада куртак очиши учун имкониятлар кенгаётганлиги, дарҳақиқат, юртимизнинг жаҳон миқёсидаги ўрни юксалиб бораётганидан далолат беради.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари иштирокидаги анъанавий фестивалда турфа маданиятлар, ўзига хос урф-одатлар билан яқиндан танишар эканмиз, яна бир бор халқларни бир-бирига боғловчи муштарак жиҳатларнинг илдизи нақадар чуқурлигига амин бўлдик.

**Садоқат АСЛАНОВА**

**Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадиий академияси, Бадиий ижодкорлар уюшмасининг фоторассомлар шўъбаси томонидан XX асрнинг иккинчи ярми XXI асрнинг биринчи ўн йиллигида ижод қилган Ўзбекистон фоторассомларининг 80 га яқин асарлари ўрин олган кўргазма бўлиб ўтмоқда.**



**Кўргазмалар**

# ИҚТИДОРЛИ ИЖОДКОРЛАРНИНГ САРА АСАРЛАРИ

Кўргазманинг фахрли ўрнида биринчи ўзбек кинооператори, ўзбек фотографияси илк тараққиётини бошлаб берган сурат ва кино устаси Худойберган Девоновнинг асарлари ўрин эгаллаган. Манбаларда ёзилишича, Худойберган Девонов ижоди рус киносанъаткорлари фаолияти билан деярли бир даврда бошланган. Кўргазмада фоторассом Дмитрий Михайловнинг олим, санъатшунос, фотожурналистлар акс эттан фотолавҳалари ҳам қўйилган. Улар орасида тарихчи олим, академик Э.Ртвеладзе фаолиятига оид иккита фотолавҳа ўрин олган. Валентин Ермаковнинг лирик-фалсафий мазмунга эга «Давомийлик», «Бола қалби», «Қайғудош» ва бошқа фото ишлари бор. Ўтган асрнинг 70-80-йилларида бутун фотография кучларини бирлаштирган, Ўзбекистон фотосанъатида «графика кашшофи» номини олган Олег Зозуля ҳаёт динамикасининг турли қирраларини акс эттирган. Унинг асарлари орасида меҳр билан суратга олинган юртимизнинг қадимий шаҳарлари меъморий ёдгорликларини ҳам кўрамиз. Марина Богатирова, Ўзбекистон замонавий фотографияси бўйича тадқиқотлар олиб борган, у бадиий фотография, рангтасвир асарлар, лирик-фалсафий шеърлар муаллифи. Кўргазмада унинг ижодий мероси санъатда ўзига хос йўл танлаганлигини кўриш мумкин.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**
**Алексей Попов олган сурат**

